

14 январь –
Ватан
ҳимоячилари
куни

НАМАНГАН ҲАҚИҚАТИ

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ГАЗЕТАСИ

№3
(20039)
2024 йил
13 январь
шанба

1918 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

ЮРТ ПОСБОНЛАРИГА

Бўлсанг миллат ғурури бўл,
Ўзбегимнинг сурури бўл,
Тил дури бўл, дил нури бўл,
Онам десанг, Ватан дегин,
Ватан ва мен бир тан дегин!

Белни боғла эл ишига,
Қирқ хунар оз эр кишига,
Ишон даврон келмишига,
Онам десанг, Ватан дегин,
Ватан ва мен бир тан дегин!

Ватанни сев иймон билан,
Бор вужуду имкон билан,
Сев шарафу, сев шон билан,
Онам десанг, Ватан дегин,
Ватан ва мен бир тан дегин!

Булбул чиқмас зоғ, қаргадан,
Эл шодмон, юрт обод-чаман
Сендан умидвордир Ватан,
Онам десанг, Ватан дегин,
Ватан ва мен бир тан дегин!

Қаҳрамон ҚУРБОНОВ,
Чуст тумани.



Ҳарбийларга янги уйлар

Шоҳида ДАМИНОВА,
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.



Ўзбекистон
Республикаси Қурулди
Кучлари ташкил
этилганлигининг 32
йиллиги ҳамда 14 январь –
Ватан ҳимоячилари кунини
муносабати билан Поп
туманидаги Қўшминор
маҳалласи ҳудудида ҳарбий
хизматчилар ва уларнинг
оила аъзолари истиқомат
қилишлари учун 160 та
хизмат уйи топширилди.

Ана шу муносабат билан
«Янги Ўзбекистон армияси»
– мамлакат қудрати, юксак
ғурур ва матонат тимсоли-
дир» шиори остида тантанали
тадбир ташкилланиб, унда
сўз олашлар мамлакатимиз
мудофаа қудратини оши-
риш, ҳарбий хизматчилар ва
уларнинг оила аъзолари учун
қудай яшаш шароитлари
яратилиш борасида алоҳида эъ-
тибор қаратилаётганини
эътироф этдилар.

Шунинг алоҳида таъкидлаш
керакки, Мудофаа вазирлиги
томонидан салкам 40 млрд.
сўм маблағ эвазига буёқда
этилган 5 та кўпқаватли янги
уй замонавий лойиҳа асоси-
да қуриб, битказилган. Хона-
донлар 2, 3, 4 хонали бўлиб,
барча қудайликларга
қилинган. Келгусида худуд
инфраструктураси янада кен-
гайтирилиб, мактабгача таъ-
лим ташкилоти қурилиши
ҳам кўзда тутилмоқда. Янги
турар-жой мажмуасида
автотураргоҳ, министадион,
спорт майдончаси ва бола-
лар учун мўлжалланган уйин
майдончалари мавжуд.

Подполковник

Қамариддин Муҳаммадиев
турмуш ўрғони ва уч нафар
фарзанди билан бутунги кунга
қадар ижара уйда истиқомат
қилишарди. Улар ҳам ана шу
кўпқаватли уйда яшаш бахти-
га муяссар бўлишди.

– Янги йил оиламиз учун
янги ва яхши хабарлар би-
лан бошланди, – дейди хо-
надон бекаси Хумора Сай-
далиева. – Оиламизга ҳам
барча қудайликларга эга
бўлган тўрт хонали уй берил-
ди. Аёлларнинг кўп вақти
ошхонада ўтади. Айниқса, за-
монавий жиҳозлар билан яса-
тилган, барча қудайликларга
эга бўлган ошхонада тўйимли
ва мазали овқатлар тайёр-
лашнинг ҳам тапши бўлакча
бўлади.



Давлатобод туманидаги
Юксалиш массиви,
Тадбиркор маҳалласи
ҳудудида ҳарбийлар учун
16 қаватли, 56 хонадондан
иборат уй фойдаланишга
топширилди. Хонадонлар
қалибларини топширишга
бағишланган тантанали
маросимда Шарқий
ҳарбий округ қўшинлари
қўмондонлиги вакиллари,
вилоят ҳокими
ўринбосари, Давлатобод
тумани ҳокими, фахрий
ҳарбийлар, ҳарбий
хизматчилар оилалари
ҳамда жамоатчилик
вакиллари иштирок этди.

Тадбирда вилоят ҳокими
ўринбосари Ғофиржон Жа-
молов сўнги йилларда масъ-
улиятли ва шарафли бурчла-
рини сиқидилдан бажариб
қолаётган ҳарбий хизматчи-
лар ва уларнинг оила аъзо-
ларини ижтимоий ҳимоя
қилиш, яшаш ва хизмат
вазифаларини ўташи учун
шарт-шароитлар яратилиш ма-
салаларида алоҳида эътибор
қаратилаётганини таъ-
кидлади. Ҳарбий хизматчи-
лар ва уларнинг яқинларини
янги уйларида қўчиб ки-
ришгани билан табриклаб,
байрам тилақларини бил-
дирди. Келгусида Янги На-
манган шаҳарчасида болалар
боғчаси, мактаб, поликлини-
ка, ҳарбий хизматчиларнинг
оила аъзоларини иш билан
таъминловчи бир қатор ин-
фратузилма объектилари бар-
по этилиши айтилди.

Маҳалла институти: янги ланишлар сари

Носиржон ДЕҲҚОНОВ.

Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг
«Маҳалла институтининг
жамиётдаги ролини
тубдан ошириш ва унинг
аҳоли муаммоларини ҳал
этишда биринчи бўлин
сифатида ишлашини
таъминлашга қаратилган
чора-тадбирлар
тўғрисида»ги Фармони
ҳамда «Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
фаолиятини йўлга
қўйиш ва маҳаллаларда
бошқарув тизимини
такомиллаштиришга
оид қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида»ги
қарори мамлакатимиз
тараққиёти учун муҳим
хукукий ҳужжатлардир.

2023 йилнинг 21 де-
кабрь санасида имзоланган
ҳар икки меъёрий ҳужжат
вилоятимиз шаҳар ва ту-
ман маҳаллани қўллаб-
қувватлаш кенгашларининг
диққат марказида бўлди.

12 январь кунини мазкур
фармон ва қарор ижроси-
ни таъминлаш, Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси-
нинг ҳудудий бўлинмалари
фаолиятини самарали
ташкил этиш мақсадида
жойларда маҳаллани
қўллаб-қувватлаш кен-
гашларининг ташкилий
ийгилишлари ўтказилди.

Наманган шаҳар
маҳаллани қўллаб-
қувватлаш кенгашнинг
ташкилий йиғилишида
Наманган шаҳар ҳокими,
кенгаш раиси Анваржон
Отаходжаев иштирокчи-
лар эътиборини фармон ва
қарорнинг мазмун-моҳияти,
маҳалла институти ваколат-
ларини кенгайтиришга са-
баб бўлган омиллар масала-
сига қаратди.

Маҳаллалардаги обод-
лик, ижтимоий-маънавий
муҳит барқарорлигига эри-
шиш, муаммоларга ечим
топиш, ҳоким ёрдамчиси,
хотин-қизлар фаоли, ёшлар
етакчиси, профилактика ва
солиқ инспекторлари кучи-
дан самарали фойдаланиш,
жамоатчилик назоратини
кучайтириш, «маҳалла ба-

ланси» ягона платформаси-
ни яратилиш, миллий ғояни
ривожлантиришнинг ягона
концепциясини ишлаб
чиқиш каби кечиктириб
бўлмайдиган ва айни вақтда
жамият тараққиётини таъ-
минлашга хизмат қилувчи
механизмларни ишлаб
чиқириш тўғрисидаги фикр-
лар долзарб вазифаларга
аниқлик киритди.

Ҳоким маърузаси юза-
сидан Саноят МФЙ раиси
Назриддин Садридинов,
Мадааният Маънавият ва
маърифат кенгашнинг ра-
иси Зоҳиджон Бузруковлар
сўз олиб, маҳаллаларга ки-
риб келаётган янги ланиш-
лар иш унумдорлигини
таъминлаш имкони экани-
ни таъкидлашди.

Давлатимиз раҳбари ра-
ислигида 2023 йилнинг 22
декабрь кунини ўтказилган
Республика Маънавият ва
маърифат кенгашнинг кен-
гайтирилган йиғилишида
айнан маҳалла тизими учун
ҳам қўй долзарб вазифалар
белгиланган эди.

«Маърифат»
тарғиботчилар жамияти
аъзоси, фахрий журна-
лист Комилжон Файзиев
маҳаллаларда ташкил эти-
лажак «Маънавият секто-
ри» нақадар зарурат экани-
ни қўй ёрқин тарзда баён
этди. Маҳаллалардаги иж-
тимоий-маънавий муҳит
барқарорлигини таъмин-
лашда фидоийлик зарур
бўлаётганига ургў берди.

Чинор маҳалла фуқаро-
лар йиғини раиси Тожиҳон
Қаҳҳорова, Наманган шаҳар
«Нуроний» жамғармаси ра-
иси Анваржон Насридди-
новлар ҳам кун тартибидан
иш масалалар юзасидан ўз
мулоҳазаларини билдирди-
лар.

Йиғилишда маҳаллани
қўллаб-қувватлаш бўйича
вилоят кенгашнинг ташки-
лий йиғилишида иштирок
этувчи 9 кишидан иборат
делегат сайланди.

Худди шундай ташки-
лий йиғилишлар туманлар-
да ҳам кўтаринкилик билан
ўтказилди.

Маънавий юксалиш янги босқичда

Мусоҳон ОППОҚОВ,
Республика Маънавият ва маърифат
марказининг вилоят бўлими раҳбари,
«Шуҳрат» медали соҳиби.

«Мен ҳар гал Наманган заминига
келиб, иймон-этиқодини мустаҳкам,
бағрикенг ва заҳматкаш инсонлар
билан дилдан суҳбатлашганимда,
уларнинг одоб-ахлоқи, юксак
маданиятини, хушмуомаласини
қўриб, доим қойил қоламан».

Давлатимиз раҳбарининг бу дил сўзлари ҳар бир
ҳамюртимизга ифтихор бағишлаши шубҳасиз. Президен-
тимизнинг наманганлик сайловчилар вакиллари тақдими
энтан вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш
дастурида маънавий-маърифий соҳага алоҳида эътибор
қаратилгани бежиз эмас эдики, бу муқаддас заминдан ети-
шиб чиққан Нодим Намонгоний, Маҳдуми Аъзам Косо-
ний, Абу Бакр Косоний, Аловуддин Асхикатий, Бобораҳим
Маъраб, Муҳаммад Шариф Суфизода, Исоқхон Тўра
Ибрат, Чустий, Усмон Носир, Зафар Диёр, Парда Турсун,
Сотим Улутзода, шунингдек, Ҳабиба Охунова, Камолддин
Раҳимов каби аждодларимизнинг маънавий мероси, ибрат-
ли умри ва ижоди ёшларимизга ўрнақдир.

Бутун мамлакатимиз ва теварак-атрофда юз бераёт-
ган воқеа-ходисалар, турли миллатлар ва давлатларнинг
бир-бирига бўлган кескин муносабати, зиддиятли вазият-
лар албатта, ҳар бир зиёлини ташвишга солади. Шундоқ
шиддатли ўзгарувчанликлар курашларида Юртбошимиз
раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни қуриш учун ривожла-
нишнинг наватдаги чўққисига дадил қадам ташладик.

Янги орзу-мақсадлар билан бошлаетган йилимизнинг
дастлабки кунларида фаолиятимизни таҳлил этишга, орта
назар ташлашга жазм этдим.

Аваллари вилоятларда, шаҳар ва туманларда маъна-
вий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, соҳадаги
фаолиятни мувофиқлаштириш учун алоҳида штат бирли-
ги мавжуд эмасди. Соҳага бириктирилган ҳокимлик, тап-
килот ёки муассаса вакили жамоатчилик асосида фаолият
юртитгани боис маънавий-маърифий жараёнларда самара-
дорлик даражаси паст бўлган.

2006 йилдан Ўзбекистон Президентининг маънавий-
маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган
451-сонли қарори асосида иш олиб борилди, бироқ йил
сайин тизимда қатор муаммолар юзга кела бошлади.
Жумладан, қарорда тизим ҳодимларининг моддий ман-
фаатлари, хусусан, туман, шаҳарларда фақат бир нафар
бўлинма раҳбари фаолият қўрсатган ва уларнинг ойлик иш
ҳақи манбаси қарорда аниқ белгиланмагани оқибатида хо-
дим оила, йиллаб маошсиз ишлашга мажбур бўлган.



2017 йилдан мамлакатимизда маънавий-маърифий
ишлар самарадорлигини янада ошириш ва соҳани янги
босқичга олиб чиқиш ниятида ўнга яқин фармон ва
қарорлар қабул қилинди. Пировардида маънавият ва маъ-
рифат соҳасида ҳам туб бурилишлар, натижадорлик ажқол
қўзга ташланди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йилнинг
22 декабрь санасида Республика Маънавият ва маърифат
кенгашнинг кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида
белгиланган вазифалар асосида тизимда мутлақо янги
ишлаш механизми пайдо бўлди.

Республика Маънавият ва маърифат марказининг
худудий бўлими ва бўлинмалари фаолияти сезиларли ривож-
ланишга, ҳодимларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан
қўллаб-қувватланишга ҳуқуқий замин яратилди. Мазкур
қарорлар туфайли ҳудудий бўлими ва бўлинмалар мутахас-
сислари иш ҳақини илк бор давлат бюджеги ҳисобидан мо-
лиялаштириш нормаси белгилангани узок йиллардан буён
ечилмаган масаланинг ижобий ҳал этилишига сабаб бўлди.
Қўшимча 23 та штат (бош ва етакчи мутахассис) ажратил-
гани сабаб жойларда соҳага оид ишлар самарадорлиги оши-
шга эришилмоқда.

Энди бўлинмаларнинг моддий-техник базаси ҳам анча
мақтаулик. Масалан, 13 та шаҳар ва туман бўлинмасига ви-
лоят ҳокимининг шахсий ташаббуси билан «Дамас» авто-
машинаси совға қилинди. Бу эса олис ва чекка манзилларда
истиқомат қилувчи одамлар ўртасида маънавий-маъ-
рифий тадбирлар ташкил этиш ва уларнинг қайфия-
тини кўтаришга хизмат қилапти.

3

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Она Ватанимиз гуллаб-яшнасин!

И. УРУНБАЕВ,
вилоят мудофиа ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари,
подполковник.



Бугун она юрт, уни асраш, ҳимояси муқаддаслиги ҳақидаги баландпарвоз сўзлардан кўра, амалий ишга ўтиш фурсати келди. Ватан ҳимояси қанчалик муҳимлиги, тинчликнинг энг азиз неъмат эканини жаҳон айонида рўй бераётган воқеалардан исботлаб турибди. Юрт тақдирини ўзининг тақдири деб билган ватандошларимиз учун она Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, тинчлиги, фаровонлиги ҳар қачонгидан-да муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоят мудофиа ишлари бошқармаси фаолияти ва ташвиқот-тарғибот тадбирларининг моҳиятида аввало ёшларни она юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш, Ватан ҳимояси муқаддас бурч эканини англаштиришдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёшлар ўртасида ўтказилган ҳарбий ватанпарварлик тадбирларида ҳамда саралаш ва тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ўтган 2023 йилда 58 нафар ёш олий ҳарбий билим юртига қабул қилинди. 37 нафар ўғил-қиз «Темурбеклар» ҳарбий-академик лицейи ўқувчилари бўлишди.

Миллий армиямиз сафларида 1970 нафар ёшлар саралаб олинди, муддатли ҳарбий хизматга юборилди. Шулардан 42 нафари «Ёшлар дафтери»да турганларни ташкил этади.

Шунингдек, сафарбарлик чакируви резерви хизматига 6450 нафар ёш жалб этилди. Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бўлими томонидан 191 нафар «Ёшлар дафтери»да турувчиларнинг сафарбарлик чакируви резерви пул бадаллари тўлаб берилди.

Бошқарма ҳузуридаги чакиривучиларни ҳарбий техника мутахассисликлари бўйича тайёрлаш марказида 169 нафар ёшлар турли мутахассисликлар бўйича ўқитилди.

Ёшларни ҳарбийликка қизиқтириш ва келажақда етук ҳарбий кадрларни тайёрлашда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда уюшмаган ёшлар ўртасида Мудофиа вазирининг кубоги учун ташкил этилган «Ватанпарварлар» ва «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилди.

Вилоятдаги ҳарбий қисмлар томонидан умумтаълим мактабларида мунтазам равишда «Ватанпар-

варлик соати» дарслари ўтказилиб келинмоқда.

Ўқувчиларни миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш ва таҳлил этиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аجدодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини ўрганиш, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасини кенг тартиб этиш мақсадида илм-фан намоёндалари, адиб ва шоирлар, ёзувчилар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ҳарбийлар иштирокида «Авлодлар учрашуви», «Эъзоз», «Эҳтиром» каби маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Чуст ҳамда Поп туманидаги ҳарбий бўлинма хизматчилари томонидан туман ва шаҳар маҳаллаларида ёшлар учун «Мард аскар – ёшларга намуна» шиори остида ҳарбий-техника ва қурол-аслаҳалар намойиши, қўл жанги чиқишлари, ҳарбий оркестр ва бадий ҳаваскорлик гуруҳлари иштирокида кўргазмали ҳарбий-ватанпарварлик карвонлари намойиш этилди.

Ушбу ҳарбий қисм ва туман, шаҳар мудофиа ишлари бўлимларида ўқувчилар ва уюшмаган, тарбияси оғир ёшлар учун 27 мартаба «Очиқ ёшлар» кунли ташкил этилиб, унда 3800 дан ортиқ ёшлар иштироки таъминланган. Шунингдек, дала ўқув майдонлари ва полигонларга саёҳат ташкил этилди.

Вилоятнинг барча туман ва шаҳар ўрта мактаблари чакиривга қадар бошланғич тайёрларлик раҳбарлари ва маҳаллалардаги ёшлар етакчилари билан ҳамкорликда маҳаллаларда тарбияси оғир ёшларнинг буш вақтини мазмунли ташкил этиш юзасидан маҳалла стадионлари, маданият масканларида тадбирлар, «Амир Темур издошлари», «Жалолиддин Мангуберди ворислари» шиори остида ҳарбий-спорт мусобақалари, анъанавий урф-одатларимизни ва миллий қадриятларимизни акс эттирувчи танловлар ташкил этилди.

Вилоят ҳокимиятининг тадбирлар режасига асосан чекка туманларда истиқомат қилувчи вақтинча ишсиз ва уюшмаган ёш билан ҳар ойда Поп туманидаги сафарбарлик чакириву резерви батальони негизда 10 кунлик ҳарбий ватанпарварлик ўқув йўналишлари ташкил этилиб келинмоқда.

Мазкур ўқув-йўналиш шу кунгача 373 нафар уюшмаган ёш жалб этилди. Ўтказилган ўқув-йўналиш натижасида 187 нафар уюшмаган ёшлар муддатли ҳамда сафарбарлик чакириву резерви хизматига юборилди.

Жорий йилда ҳам ушбу йўналишдаги ишларимиз давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинларига қарашли Наманган шаҳридаги ҳарбий бўлинма командирининг тарбиявий ва мафқуравий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Бобиржон Мўнисовнинг зиммасидаги вазифалар кўпчилиги қарамай, у барчасига улғуришга ҳаракат қилади. Қаҳрамонимизни кўпчилик саноқли қадрлайдиган, илғор фикирли, ўз касбига садоқатли, дея таъриф беришарди.

Бобиржон ҳарбий хизматчилар маънавиятини юксалтириш, билим-савиясини ошириш мақсадида турли илмий-амалий анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ҳамда маданий ҳордиқ тадбирларини мазмунли, таъсирчан ўтказишга ҳаракат қилади. Ушбу тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритиб боришга интилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳарбий қисмда барча шарт-шароитлар яратилган. Хизматчида талаб қилинадигани фидойилик билан ишлаш. Ана шу мезондан келиб чиқиб, бу ерда фаолият олиб бораётган ҳарбийларимиз топириқларини сиқидилдан бажариб келишмоқда.

- Ҳарбий қисмимиз замонавий кутубхонага эга, аynи пайтда китоб фондими 2200 тани ташкил этади, - дейди подполковник Б. Мўнисов. - Буш пайтларимизда ўзбек ва



Муддатидан аввал унвон олди

Гулчехра БУВАМИРЗАЕВА.

Шу йил 4 январь кунинг кеч соат 22.30 ларда Наманган тумани ИИБ ЖХХ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими инспектори, майор Илёсбек Нўматов келиб тушган хабарга кўра, Яшнабод маҳалласида қиморхонани фоти этди.

Воқеа жойига борган осойишталик посбони қиморхона ташкил этган хонадонда мазкур ҳолат бўйича фуқаро Ш. М.га нисбатан жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра жиноят иши қўзғатди.

Майор И. Нўматовнинг жиноятларни «иссиқ изида» очинишдаги тезкорлиги ва ҳудуд осойиштачилигини таъминлашдаги тажрибасини бошқа ҳамкасбларига ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Унинг ташаббуси билан 2022 йилда 7 та тибъванд моддалар савдоси билан боғлиқ жиноят фоти этилган эди. Ўтган йилда эса бу йўналишларда 5 та жиноятни очинишда фаол иштирок этди.

Ҳар қандай фидойилик беиз кетмайди. Илёсбек Нўматовнинг ҳам Ватанимиз осойишталиги йўлида кўрсатган жасоратли муносиб тақдирланиб, муддатидан олдин майор унвонига сазовор бўлди.

Илғор фикрли ўринбосар

Гулчехра ЛАТИФ.



жаҳон адабиёти адибларининг бадий асарлари, вақтли матбуот нашрлари билан танишамиз, сиёсий, соҳамизга оид китоблар мутлоа қиламиз. Наманган шаҳар Давлатобод туманидаги «Янги Ўзбекистон - ёшлар зиё маскани» кутубхонаси ҳам ҳарбий қисмимизга яқин жойда жойлашган. Ҳафтанинг жума кунда ҳарбий хизматчиларимиз мазкур масканга бориб, китоб ўқишлари мумкин.

ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ

Музейга саёҳат

Маъруфжон ПАРПИЕВ,
Наманган ҳарбий прокурори катта ёрдамчиси,
майор.
Ислом МЕЛИБОЕВ,
вилоят ФВБ ахборот хизмати етакчи мутахассиси.

Вилоят ФВБда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганлигининг 32 йиллик байрами муносабати билан очик эшиклар кунини ҳамда «Посбониман, муқаддас юртининг!» шиори остида ватанпарварлик тадбири ўтказилди.

Унга Наманган Давлат университети талабалари тақлиф этилди. Дастлаб йилит-қизларга мамлакатимизда ёшларнинг соғлом ва баркамол вояга етишлари, танлаган касбларининг етук мутахассислари бўлишлари учун яратилаётган қўлайлик ва имкониятлар ҳақида гапирилди. Юртимиз тинчлиги,

ИЗҚОР

Энг улуг вазифа

Шухратжон ШАРОПОВ,
Наманган муҳандислик-технология институти тютори,
захирадаги ҳарбий хизматчи.

Юртимизда Ватан ҳимоячисидек улугвор касбга бутун ҳаёти, орзу-мақсадларини бағишлаган ҳарбийларимиз катта ҳурмат ва эъзозда. Уларнинг давлатимиз ва халқимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлидаги меҳнат ва машаққатларини таърифлашга, баҳолашга сўз ожиз.

Тўғри, Ватанни ҳимоя қилиш барча учун муқаддас бурч. Аммо муддатли хизмат бошқа-ю умрини ҳарбий форма кийиб, ширин жонини юрт тинчлигини сақлашга сарфлаш бошқа. Ана шу жасоратга тўла касб эгалари хизматини муносиб рағбатлантириш, уларга зарур шарт-шароит яратиш масалалари доимо давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Институтимизда ҳарбий ватанпарварлик йўналишида танлов, викройна, маънавий тадбирлар ташкил этилаётганили ҳам талаба ёшларини Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Ҳарбий қисмлар билан ҳамкорлик йўли қўйилган. Турли спорт мусобақалари, заковат, китобхонлик кечалари ўтказилмоқда. Хусусан, миллий гвардия бошқармаси билан икки йилдан буён камондан ўқ отиш бўйича тўтарак фаолият кўрсатмоқда.

Талабалар ўз соҳаси йўналишида билим олишдан ташқари, ижтимоий-сиёсий жараёнларни теран англаб, ўз фаолликларини намоён этишмоқда. Шуни англашимиз керакки, инсон ким бўлишидан қатъий назар ўз туғилиб-ўсган Ватанини севиши, асраб-авайлаши, истиқболли учун чин дилдан ҳаракат қилиши шарт.

Ҳарбий хизматчилардан фаолиятда уюшқоқлик, фаоллик, ташаббускорлигини намоён этишни, ҳарбий ва меҳнат интизомига онгли равишда риоя этишини талаб қилиш, жамоада соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, ахлоқсиз хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш подполковник Бобиржон Мўнисовнинг зиммасида. У жорий йил октябрь ойида ИИВ ҳарбий тузилмаларига қарашли ҳарбий қисмлар командирларининг тарбиявий ва мафқуравий ишлар бўйича ўринбосарлари ўртасида ўтказилган «Энг яхши маънавий-маърифий ишлар тарғиботчиси» қўриқ-танловида муносиб иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

- Юксак натижага эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, ушбу муваффақият ортида подполковник Бобиржон Мўнисовнинг фидойилиги, муносиб хизматлари бор. Бу эса жамоамизнинг ҳам ютуғидир - дейди ҳарбий қисм командири, подполковник Умиджон Аҳмедов.



эртамизга ишонч Қуроли Кучларимизнинг, унда хизмат қилаётган аскар-офицерларнинг ўз бурчларини виждонан адо этаётганликларидан эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, сўнги йилларда соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга тўхталиниб, бошқарма қошидаги музейга саёҳат уюштирилди. Ёшлар ёнган кутқарув қисмидаги махсус автомашиналар билан яқиндан танишдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоблар олишди.

Бу каби тадбирлар давом эттирилмоқда.

«Мен ғолиб»

Отабек ЧОРИЕВ,
ҳарбий хизматчи.

Поп туманидаги Имом ота МФЙда ДХХ Четара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида ҳарбий хизматчилар ҳамда уюшмаган ёшлар ўртасида ҳарбий ватанпарварлик ойлиги доирасида ана шу широр остида спортнинг футбол тури бўйича мусобақа ташкиллаштирилди. Унда бешта жамоа беллашди.

Қизгин ва мурасасиз кечган баҳсларда ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга диплом ҳамда медаллар топирилди.

Мусобақа якунида сўзга чиққан Имом Ота МФЙ расиси Ашурбой Саидкулов, профилактика инспектори, майор Отабек Жўраев, ёшлар етакчиси Отабек Ҳақимов тадбир иштирокчиларини Ватан ҳимоячилари байрами билан табриклаб, ишларида омад ва муваффақиятлар тилашди.

Фаолиятимиз янада такомиллашмоқда

Бекзод МИРЗААХМЕДОВ,
ИИБ вилоят бошқармаси бошлиғи.

Маълумки, Мажбурий ижро бюроси органлари олдидан турган муҳим вазифалардан бири бу суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлашдир. Бугунги кунда ана шу вазифа асосида ўз фаолиятини олиб бораётган Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан давлат ва жамият, фуқаролар манфаати йўлида ҳужжатларни ижро этиб, амалда одил судловни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, бошқарма ва унинг ҳудудий тизимлари орқали ўтган йилнинг ўзида суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси юзасидан жами 4,4 трлн. сўм

ундирилиб, бу 2022 йилга нисбатан ундирув 1,4 трлн. сўмга ортди. Бошқарманинг туманлараро бўлими томонидан замонавий ахборот технологияни қўллаган ҳолда масофадан туриб 122638 та ҳужжат ижроси таъминланди. «Темир дафтар», «Аёллар дафтери» ва «Ёшлар дафтери»га 82,8 млрд. сўм йўналтирилди. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида алимент билан боғлиқ ҳужжатлар ижроси доирасида жами 84,7 млрд. сўм ундириб берилди. Кенг жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигида олиб борилган тарғибот тадбирлари натижасида 4848 та оилани яраштиришга эришилди. Иш билан банд бўлмаган 2993 нафар алимент тўловчи ишга жойлаштирилиб, тўлов қобилияти мустаҳкамланди. Жорий йилнинг 3 январь

Президентимизнинг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини ислоҳ этиш ва соҳани рақамлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилингани Мажбурий ижро бюросига юклатилган вазифаларнинг янада самарали ижро этилиши муҳимдир. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ушбу фармон аввало, ижро этиш тизимини такомиллаштириш ва самардорлигини янада оширишга қаратилган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур ҳужжат билан 2024 йил 1 майдан бошлаб, суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро ҳужжатларининг айланмаси рақамлаштирилмоқда ва бунда ижро ҳужжатлари ундирувчи электрон шаклда берилди, бундан ижро ҳужжати хорижий давлатда ижро этилган ёки тарафлар

илтимосномалари мустасно эканлиги белгиланмоқда. Ижро ҳужжатлари QR-код (матрикс штрихли код) билан тасдиқланган ҳолда электрон рақамли имзо билан расмийлаштирилди.

Юридик шахслар томонидан ижро ҳужжатлари ва ижро иши юритиш доирасида қабул қилинган қарорлар ва бошқа ҳужжатлар уларнинг солиқ тўловчи шахсий кабинетини орқали олинди ва тақдим этилди.

Бундан ташқари, фуқаролардан қарздорликлари учун ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган энг кам қаролатилган даромад институти жорий этилмоқда, яъни ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликлар бўйича пул маблағларини энг кам истеъмол харажатлари учун белгиланган маблағлар ҳисобидан ушлаб қолиш тақиқланади.

Шунингдек, почта харажатлари учун мажбурий тўловларни ундириш жараёни ҳам соддалаштирилган

тартибда амалга оширилди.

Давлат ижрочиларининг фаолиятига нуқонуний ара-лашувнинг олдини олиш, ижро самардорлигини ошириш мақсадида давлат ижрочилари мобил видеокамералар (бодикамералар) билан таъминланиб, ушбу воситаларнинг бюро дастурий таъминотларига интеграция қилиниши белгиланди.

Давлат ижрочилари планшет воситалари билан таъминланиб, ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизими орқали давлат органлари ва ташкилотларининг барча ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш чоралари қўриб борилади.

Бу қўлайликлар шубҳасиз фаолиятимизни янада такомиллаштиришга, ҳодимлар учун муносиб меҳнат шароитларини таъминлашга хизмат қилади.

АХОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИГА НАЗАР

Абдувоси ҚИРҒИЗОВ,
Косонсой тумани статистика бўлими бошлиғи.

Аҳолини рўйхатга олиш – аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумотлар олишнинг ягона ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Аҳоли ҳисобини юритиш амалиёти илк бор миллоддан аввали уч минг йилдан бошланган. Бу жараён дастлаб Осиё ва Африка давлатлари, Миср, Месопотамия, Хиндистон, Хитой ва Японияни қамраб олган. Аҳолини рўйхатга олишдан мақсад солиқ тўловчилар ва аскарликка яроқли аҳоли сонини аниқлаш бўлган. Шунинг учун ҳам, бу аҳоли рўйхатларида асосан эркаклар рўйхатга олинган. Чунки, у пайтларда эркакларнинг иқтисодий ўрни юқори бўлган, солиқ тўлашда фақат эркаклар, яъни оила бошлиқлари қатнашган.

Илк ўрта асрларда мазкур тартибот бирмунча такомиллашган. Аҳолини ҳисобга олиш элементлари ҳужжаликларнинг ёзма китоблар, қадас-трлардаги тавсифлари билан уйғунлашган. Уларда одамлар ёки оилалар эмас, балки уй-жой каби солиққа тортиш бирликлари биринчи ўринга қўйилган.

ЎТМИШДАН САДОЛАР

Мунаввар қори Абдурашидхонов Наманганда бўлган(ми?)

Алишер ИСОҚБОВ,
Наманган Давлат педагогика институти биринчи проректори,
тарих фанлари номзоди,
доцент.

Мухтарам Президентимиз 2023 йил 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида жадидлар тарихи ва меросини чуқур ўрганиш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди.

XIX аср охири – XX аср бошларида жадидчилик ҳаракати Туркистон ўлкасида ҳам кенг қўламда кириб келди ва ривож топди. Ҳаракат вакиллари мустамлака юртни озод қилишда маърифий ислохотларни йўлини танаддилар. Уларнинг фаолияти миллий маърифат тизимини тубдан ислоҳ қилиш (яъни усул мактаблари очилиш), миллий нақли матбуот ва матбаа ишларини йўлга қўйиш, миллий театр санъати ва драматургияни шакллантиришда яққол намоён бўлди.

Жадидчилик ҳаракати билан бир қаторда Туркистонда мазкур ҳаракатларнинг йирик намоёндалари ҳам шаклланди. Улар орасида Мунаввар қори Абдурашидхонов (1878-1931) алоҳида ўрин эгаллайди. Мунаввар қори Тошкентда яъни усул мактабини очган (1900), яъни усул мактаблари учун «Адиби аввал», «Адиби соний» (1907) дарсликларини ёзган, миллий матбуот напшларини бўлган «Тараққий», «Хуршид», «Шўхрат», «Тужжор», «Осиё», «Садои Туркистон» газеталарини ташкил этишда жонбозлик кўрсатган машҳур жадид намоёнлари эди.

Мунаввар қори Туркистон ўлкасининг кўплаб шаҳарларида бўлиб, жадидчилик ҳаракатини кенг ёйишда фаол иштирок этган. Мунаввар қорининг «Хотиралар»ида ана шу сафарлари ҳақида маълумотлар бор. Бирок ушбу «Хотиралар»да унинг Наманган шаҳрида бўлгани ҳақида бирор маълумот учрамайди. Унда фақатгина «Миллий иттиҳод» ташкилотининг Наманган бўлими ҳақидаги маълумотлар қайд этилган ҳолда.


XX аср бошларидаги туркий халқлар вақтли матбуотида сайёҳ, тарихчи, филолог, этнолог ва муаллим сифатида машҳур бўлган Нўшверон Яўшев (1885-1917) томонидан ёзилган ва «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 22 апрель (№4) сониди «Саёҳат парча-

лари (Намонгондан)» мавзусидаги мақолада Мунаввар қорининг Наманган шаҳрида бўлгани ҳақидаги қизиқарли маълумотлар қайд этилган.

Нўшверон Яўшев Туркистон шаҳарларида саёҳати давомида 1915 йил 13 апрель куни Кўкондан Наманганга келган. У Наманган шаҳри ҳақида ёзар экан: «Бу ер, ҳавосининг латофати, минбаъ ва махсуддорлиги, шалдираб оқиб ётқон салқин сув чашмалари, гўзал ва шоирона манзаралари бирлан Туркистонда биринчи ерлардан десак муболаға бўлмаса керак. Зироат илмларина аҳамият берилуб, яъни ва мувофиқ асбоблар истеъмол қилуб мукаммал равишда ишлатилса – дунёда биринчи ерлардан бўлиши ҳам табиий ва муқаррардир», - дея қайд этади.

Нўшверон Яўшев Наманган шаҳрининг зиёли олимлари билан учрашуви ва суҳбатлари асосида шаҳар бойлари барча соҳаларга кучли таъсир кўрсатаётгани, агарда улар ҳиммат қилмаса, маориф ишларининг аҳволи жуда ҳам аянчли аҳволда қолиши, мадрасалар ислоҳга муҳтожлигини, муаллимлар ва мактаб биноларининг ҳолати абгор эканлигини қайд этади. Шундай йирик ва маъмурий марказда атиги уч донга яъни усул мактаби бўлиб, улар орасида Зайниддин қори исмли муаллимнинг мактаби фаолиятига ижобий баҳо беради. Лекин мактабнинг аҳволи ҳақида «...таассуф бу мактабнингда моддий жиҳади таъмин этилмагон, иморат ва биноси жуда кичук ва тор, мактаб учун зарур ва болаларнинг сўхатлари учун ... асбобларининг ҳеч бири йўқ...» - эканлигини ёзади.

Нўшверон Яўшев 1914 йил 14 апрель куни Наманган шаҳрида Зайниддин қори хонадонда Мунаввар қори билан учрашади. Мунаввар қорининг Наманган шаҳрига келиши наманганлик илгор фикрли кишилар томонидан катта хурсандчилик билан қарши олинади. Мазкур хонадонда 15-20 нафар наманганлик зиёли бойлар ва тараққийпарварлар иштирокида илмий мажлис ўтказилади. Мунаввар қори яъни усул мактабларини тараққий эттириш, муаллимлар тайёрлаш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатади. Мунаввар қори мажлисда



тўйларни ислоҳ қилиш, ортиқча харажатлар, совға-саломларни тўхтатиб, унга сарфланаётган маблағларни мактабларга сарф этиш, «Ган» номи билан аталувчи зиёфат мажлисларига сарфланадиган маблағларни ҳам мактаблар тараққийси учун йўналтириш таклифини билдиради. Наманган зиёлилари барча таклифларни қабул қилган ҳолда 13 банддан иборат дастур ёзиб, уни ҳаммалари имзолари билан тасдиқлайдилар.

Икки кун Наманган шаҳрида бўлган Мунаввар қори деярли ухламасдан мактаб ва бошқа миллий масалалар бўйича маърузалар ўқийди, йўл-йўриқлар кўрсатади. Бу ишлардан Наманган зиёлилари жуда ҳам хурсанд бўладилар. Нўшверон Яўшев бу ҳақида «Мунаввар афандининг бу каби ҳормий-толмий чин маъносида миллат ходими бўлуб мактаб ва мадрасаларимизнинг ривож ва тараққийсина чолишқони учун зиёлилар ташаққурлар қилдилар. Ташрифларидан жуда мамнун бўлуб қолдилар», - дея қайд этади.

Мунаввар қорини Намангандан кузатишга кўплаб зиёлилар ҳам бўлишди. Мунаввар қори жўнаш олдида кузатувчиларга қарата хитоб қилиб: «Сизларга охириги сўзим шул, мактабларнинг тараққийи ва ривожига чолишингиз, албатта эсингиздан чинормангиз. Чунки, бизим истиқболимиз шул мактаб масаласина боғлиқдир. Ҳозирда бизим ўзин лозим ўлан нарсаларингиз энг яхшиси мактаб, мактаб, мактаб!...», - дейди. У 1914 йил 16 апрель куни эрталаб поездда Намангандан Кўконга жўнаб кетади.

Мунаввар қорини Наманганда хонадонини ўрганиш асносида шаҳарда XX аср бошларидаги маданий ҳаёт, аҳолининг турмуш тарзи, жадидчилик ҳаракатида муносабатини ёритишга баҳолиқудрат ҳаражат қилдик. Зеро, юртимиз тарихини ва унинг тараққийи учун хизмат қилган жадид бобола-римиз фаолиятини чуқур илмий тадқиқ қилиш наманганлик зиёлиларнинг муқаддас вазифаларидир.

Маънавий юксалиш янги босқичда

Бундан ташқари, ҳар бир шаҳар ва туман бўлинимаси замонавий орг-техника воситалари, компьютер ва планшет, катта ҳажмдаги (А3 форматли) рангли принтерлар билан таъминланди.

Тарихий қарорга мувофиқ соҳада тартибот ишлари таъсирчанлигини кучайтириш учун «Маънавият ва маърифат маскан»лари ташкил этилиши айни мўддао бўлди. 2021-2023 йилларда вилоят бўйича шаҳар ва туманларда биттадан, жами 13 та «Маънавият ва маърифат маскан»лари барпо этишга киришилган. Шу кунга қадар вилоят ҳокими ташаббуси билан 11 та (Наманган шаҳри, Янгикўрган, Тўрақўрган, Поп, Минбулак, Наманган, Норин, Уйчи, Чуст, Чортоқ, Қосонсой туманларида) маскан фойдаланишга топширилди.

Яқунланган йил мобайнида вилоятимизда «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!» ва «Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият», «Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!» широрлари остида маънавий фестиваллари, «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» тартибот тадбирлари, «Ватан тараққийига меънинг ҳиссам», «Еш китобхон», «Еш китобхон оила», «Заковат» каби кўрик-танловлар, миллий халқ ўйинлари юқори савияда ташкилланди. «Маърифат соати», «Меънинг фарзандим – Ўзбекистон фарзи!», «Китоб қарвони», «Миллий қадриятлар ҳафталиги», «Маърифат тур», «Меъх-мурувват ва саховат» ҳамда «Зукко болажон» номи унга яқин лойиҳалар эсда қоларли кечди.

Ўтган йили «Энг намунали туман ва шаҳар» ва «Энг намунали вазирлик ва идора» республика кўрик-танловида Янгикўрган тумани ғолибликни қўлга киритди ва олий соврин – «Дамас» автомобида ҳамда 15 миллион сўмлик китоблар тўламини эга бўлди. Жорий йил «Ижодий-маданий масалалар бўйича энг фаол тартиботчи» кўрик-танлови республика босқичида Чуст туманидаги 67-мактаб тартиботчиси Муяссар Эргашева ғолибликка эришиб, гран-при соҳибаси бўлди.

«Еш китобхон» республика танловининг финал босқичида Чортоқ туманидаги 22-мактабнинг «Она тили ва адабиёти» фани ўқитувчиси Замира Абдуллаева ғолиб бўлиб, Наманганга «Президент совғаси» – «Sparc» автомобида билан қайтди.

Маълумки, Наманганда 1961 йилдан, яъни олтинчи икки йилдан буён анъанавий равишда нишонланаётган гуллар байрами давлатимиз раҳбарининг қарори билан халқаро фестиваль макомини олди. Халқаро гуллар фестивалининг нуфузи ва қўлами йилдан-йилга кенгаймоқда. Тавадудининг 110 йиллиги муносабати билан оташин шоир ва муҳир таржимон Усмон Носир хайкали Наманган шаҳри марказида қад ростлаб, у яшаган маҳалла фуқаролар йиғинига табаррук номи расман муҳрланди. Ушбу маҳалладаги шоирга аталган янги уй-музей меҳмонлар ва қизиқувчилар ихти-ериди.

Мухтарам Юртбошимизнинг вилоятимизга ҳар бир ташрифи маънавият йўналишида улкан бунёдкорликларга асос

бўлмоқда. Исоққон Тўра Иброт меъморий мажмуаси, Ахсиқент тарихий ёдгорлиги, Султон Увайс Қароний ва «Ун бир Аҳмад» каби зиёратгоҳларнинг бутунлай янги қиёфа касб этгани қувонарли. Беш йил аввал вилоятда атига учта олий ўқув юрти фаолият кўрсатарди. Ҳозирда улар сони 11 та. Мазкур олий ўқув юртларида 60 мингдан ортиқ талаба 1,5 мингдан ортиқ малакали профессор-ўқитувчидан билим олмақда.

Давлатобод туманида Исоққон Иброт номидаги хорижий тиллар университети учун ўқув биноси, кампус (ғалабалар шаҳарчаси), кутубхона ва IT марказ қурилишига тамад тоши қўйилди. Янги Наманган шаҳарчаси ҳамда шаҳарча ичида «Янги Ўзбекистон боғи» қурилиши бошланди ва ёнги амфитеатр тикланмоқда. Амфитеатрга 13 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилган. Давлатобод туманидаги «Ешлар боғи»да ҳам 2 минг 500 ўринли «Ешлар амфитеатри» қурилишга киришилди. Наманган шаҳрида Камолиддин Раҳимов номидаги мусиқа ва санъат мактаби, «Адабиёт ва санъат музейи» ташкил этилмоқда. Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейини ҳам мукаммал таъмирлаш лойиҳалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари қўхна Ахсиқентнинг 3000 йиллик юбилейини нишонлаш, уни халқаро ЮНЕСКО рўйхатида киритиш борасида махсус қарор қабул қилиш ҳақида кўрсатмалар бергани гўзал Наманган маънавий ҳаётида, унинг чинакам маданият, маърифат марказига айланишида янги саҳифа очади. Тинимсиз интилишларимиз ана шу хайрли ва истиқболли савй-ҳаракатлар рўёбига қаратилган.

Мурожаатлар ҳамиша эътиборда

Лайло ХўҲАХОНОВА,
аэропорт директори ёрдамчиси.

«Наманган халқаро аэропорти» МЧЖда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларини сўзсиз ва ўз вақтида бажариллиши назоратта олинган бўлиб, бу борадаги ишлар самарали. Ҳар бир мурожаат ҳамиша эътиборда.

Жумладан, ўтган 2023 йилда аэропортта 48 та мурожаат келиб тушди. Шундан 17 таси ёзма равишда бўлиб, 5 таси ижобий ҳал этилган, қолган 12 таси ҳам ўрганилиб, ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар қўрилган, тушунтириш ишлари амалга оширилган.

Сайёр қабул давомида келиб тушган 4 та мурожаат натижаси ҳам ижобий бўлган. Президент Виртуал қабулхонаси орқали МЧЖга тегишли 8 та мурожаатнинг 2 таси натижаси ҳам ижобий, қолган 6 тасига керакли тушунтиришлар берилган. Аэропорт раҳбарияти томонидан 27 нафар жисмоний шахс қабул қилиниб, уларнинг мурожаатлари белгиланган тартибда қўриб чиқилди ва масъул ходимларга ижро учун йўналтирилган ҳамда натижа самарали амалга оширилган.

2024 йилда ҳам «Наманган халқаро аэропорти» МЧЖ раҳбарияти томонидан аҳоли мурожаатлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

кафедраларидаги қайта сайланадиган бўш иш ўринлари тўғрисида маълумот

Кафедралар номи	Профессор ўқитувчилар таркиби				
	Профессор	Доцент	Катта ўқитувчи	Ўқитувчи	Стажёр ўқитувчи
Архившунослик кафедраси			1		
Биология кафедраси			1		
Математик анализ кафедраси		1		1	
Физика кафедраси			1		
Амалий математика ва рақамли технологиялар кафедраси			1		
Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедраси		1		1	1
Жисмоний маданият кафедраси				1	1
Инглиз тили ва адабиёти кафедраси				1	
Аниқ ва табиий йўналишлар бўйича чет тиллар кафедраси				1	
Мактабгача таълим методикаси		1			
Мусиқа таълими ва маданиятшунослик кафедраси		1	1		
Педагогика назарияси ва тарихи кафедраси				1	1
Психология кафедраси		1			1
Ноорганик кимё кафедраси			1		
Спорт фаолияти кафедраси				1	
Органیک кимё кафедраси				1	
Тарих кафедраси			1		
Тиббиёт кафедраси			1		
Рус тили кафедраси			1		1
Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси				1	
Ўзбек тилшунослиги кафедраси			1	1	
Экология ва иқлимшунослик кафедраси				1	
Жами:		6	10	12	5

Эслатма! Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 (бир) ой мўддатда қабул қилинади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: ректор номига ариза, сўровнома, таржимаи ҳол, кафедра йўналиши бўйича олий маълумот тўғрисидаги дипломлар (илмий даража дипломи, илмий унвон аттестати), малака ошириш гувоҳномалари нусхалари ва илмий ишлари рўйхати (3.4-шакл). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги 5987-сонли «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида

мувофиқ, юридик йўналишлардаги вакант ўринлар учун алоҳида талаблар ҳам белгиланган.

Танловга тушган барча ҳужжатлар олдин кафедра мажлисида қўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини қўриб чиқишдан олдин улар томонидан синов дарслари (университет ўқитувчилари учун очик машғулот) ўтказилади. Синов дарслари ва очик машғулотлари мавзуси кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Танлов қатнашчиларини тест синов-

ларидан ўтказишга йўл қўйилади. Илгари ўзи эгаллаб келган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисобот беришлари белгиланган.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга топширилади: Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй.

Наманган Давлат университети девонхонаси.

Телефон: (69) 228-85-02 ёки vakansiya.edu.uz сайти орқали топшириш ҳам мумкин.

● Тафаккур

Бизни она янглиғ оқ ювиб, оқ тараган Ватанни севмоқ, билингки муқаддас бурчимиздир.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР ТАНЛОВИ!

«Уруғчиликни ривожлантириш маркази» ДМ Наманган вилояти бошқармаси 2024 йилнинг 15 январидан 5 февралига қадар вилоят туманларида фермер хўжалиқларини уруғчиликка ихтисослаштириш бўйича туман комиссиялари томонидан тендер танловлари ўтказилишини маълум қилади.

Танловда қўйидагилар эътиборга олинади:

- деҳқончилик маданиятининг юқорилиги;
- экин майдонларининг юқори ҳосилдорлиги;
- пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини тайёрлаш режасини сурункали ошириб бажариб келинаётганлиги;
- фермер хўжалигида уруғчилик тажрибасига эга, малакали мутахассис борлиги ва уруғчилик талабларига риоя этиш мажбурийлиги;
- етарли қишлоқ хўжалиги техникаларининг мавжудлиги;
- сув таъминотининг яхшилиги;
- фермер хўжалигининг молиявий ҳолати.

Танловда иштирок этиш учун ариза ва ҳужжатлар туман комиссиялари томонидан қабул қилинади ва эълон берилган кундан бошлаб, 22 кун мўддатда танлов ўтказилади.

Тендер тўғрисидаги батафсил маълумотларни «Уруғчиликни ривожлантириш маркази» ДМ Наманган вилояти бошқармаси ёки туман қишлоқ хўжалиги бўлимларидан олишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (69) 227-63-03, (69) 227-64-44.

«Наманган ҳақиқати» эълонлар бўлими – (69) 227-91-19.

БУГУННИНГ ГАПИ

ТИРБАНДИЛИК —
ТАРТИБСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Яқин-яқингача тирбанд кўчаларни, уларда соатлаб қолиб кетишларни фақатгина хориж фильмларида кўрардик. Бугунга келиб эса бу каби салбий ҳолатлар ҳар куни кўз ўнгимизда содир бўлмоқда.

Вилоятимиз марказидан тортиб, шаҳар-туманлардаги асосий йўлларда эрта тонгда ва одамлар ишдан қайтаётганда катта-кичик «пробка»лар юзага келяптики, бу ишга шошаётган ёки қайтаётган одамлардан тортиб, талаба ва ўқувчиларда жиддий хавотир уйғотмоқда. Тўғри, дунёдаги ўз автосаноат корхонасига эга санокли давлатлардан саналган мамлакатимизда йил сайин транспорт воситалари сони ортиб борапти. Аммо бу ҳолатни бартараф этишда, соҳага дахлдор идораларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати ўз ижобий самарасини бериши аниқ-ку.

Шуни эътиборга олган ҳолда биз газетамизда мавзуга доир туркум мақолалар беришни мақсад қилдик. Ва дастлаб, вилоят ИИБ ИХБнинг масала ечими борасида олиб бораётган ҳамкорликдаги ишларига тўхталсак.

– Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги тезкор профилактик тадбирлар натижасида 2023 йилда ИТХлар сони аввалги йилнинг мос даврига нисбатан - 65 тага ёки 6,2 фоизга (1046/981), ўлим билан боғлиқлари - 45 тага ёки 23,4 фоизга (192/147), тан жароҳати олиншлар - 20 тага ёки 2,3 фоизга (854/834) камайишига эришилди, - дейди вилоят ИИБ жамоат хавфсизлиги хизмати ИХБ ахборот гуруҳи мутахассиси Эркинжон Сагторов. – Шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил қилинадиган бўлсак, ИТХлар Уйчи туманида 6,3 фоизга (79/84), Тўрақўрғонда эса 1,3 фоизга (79/80) ортиб кетишига йўл қўйилганига, ўлим билан боғлиқ ҳодисалар Тўрақўрғонда 7,1 фоизга (14/15) ортганига, Уйчи (10/10), Мингбулоқ (8/8), Косонсой (6/6) туманларида ўзгариш бўлмаганига гувоҳ бўламиз.

Тан жароҳати билан боғлиқ ҳодисалар эса Уйчида 7,2 фоизга (69/74), Чустда 1,5 фоизга (66/67), Поп туманида эса 0,8 фоизга (128/129) кўпайган. Уларнинг 8,1 фоизи ёки 79 таси халқаро, 38,7 фоизи ёки 380 таси давлат, 26,4 фоизи ёки 259 таси маҳаллий аҳамиятдаги, қолган 33,4 фоизи ёки 328 таси шаҳар кўчалари ва ички ҳўжалик йўлларида содир этилган.

Пиедалар иштиракидаги ҳодисаларни шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил қилинганида, Наманган туманида 8 тага (24/32) ёки 33,3 фоизга, Чортоқда 8 тага (18/26) ёки 44,4 фоизга, Чустда 13 тага (31/44) ёки 41,9 фоизга, Мингбулоқда 5 тага (12/17) ёки 41,7 фоизга, Косонсойда 4 тага (19/23) ёки 21,1 фоизга, Тўрақўрғонда 7 тага (28/35) ёки 25,0 фоизга, Уйчида 6 тага (35/41) ёки 17,1 фоизга, Янгиқўрғонда 2 тага (22/24) ёки 9,1 фоизга ортганини кўрамиз.

Йўл-транспорт ҳодисалари келиб


Илҳомжон ЖУМАНАЗАРОВ.

чикиш сабабларининг асосий салмонини – 20,7 фоизини – белгиланган тезлик- ни ошириш, 18,3 фоизини – йўналишни ўзгартириш, 13,7 фоизини оралик масофа- ни сақламаслик, 11 фоизини эса қарама- қарши йўналишга чиқиш ёки қувиб ўтиш қоида-сини бузиш, шунингдек, бошқа қоидабузарликлар оқибатида содир этил- ган...

– Ҳар бир фожиа ортида инсон тақдири, қўрилган каттагина моддий ва маънавий зарар турганини эътиборга олганда, ҳали қилинадиган ишлар кўп экан-да...

– Худди шундай, содир бўлган ИТХлар қачон, ким томонидан ва қайси вазиятда со- дир бўлигандан тортиб, йўлларнинг аҳоли, фожияни келтириб чиқарган ҳар бир ҳолат мукаммал ўрганилади. Жумладан, фожиа келтириб чиқарган ҳайдовчиларнинг акса- риятини (186дан 223 тагача) эндилина рулга ўтирган ва 3-5 йиллик стажта эга бўлганлар ташкил қилган ва ҳодисалар кўпроқ эрта- лаб ва одамлар ишдан қайтаётганида қайд этилган.

– Демак, ИТХлар сонининг ортишида маъдум маънода йўллардаги тирбанд- ликлар ҳам сабаб бўляпти...



– Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Эрталабдан шаҳар-туманлардаги марказий йўлларда тирбандликларга дуч кела- сиз. Айрим ота-оналар ўз автомашинасида фарзандини таълим муассасасига олиб ке- таётган бўлишса, бошқалар йўналишдаги таксиларда илм даргоҳларига, ишга шо- шилаётган бўлишади. Аммо кўпчилик ҳайдовчи ва пиедаларда йўлларда ҳаракатланиш маданиятининг йўқлиги катта-кичик «пробка»ларни келтириб чиқараётгани ҳам бор гап.

Яна бир гап, эътибор қилган бўлсангиз, тирбандликларда ҳаракатланаётган ма- шиналарнинг аксариятини «Дамас» ёки йўналишдаги бошқа транспорт воситала- ри ташкил этипти ва уларнинг кўпчилиги тўлиқ йўловчи олмаган, жуда борса 2-4 на- фар, холос. Замон тезлашиб кетдики ёки одамларимизда сабр-тоқат қолмаптими, автобус кутишни ҳеч ким хоҳламай қолди. Айтмоқчи бўлганим, йўналишларда қатнайидиган автобусларнинг сонини кўпайтириш ва аниқ жадвал ҳамда на- зорат асосида қатнашини қатъий йўлга қўйиш орқали йўловчиларни автобусларга қайтариш вақти аллақачон келган.

– Айрим хориж давлатларида тирбандликларнинг олдини олиш учун оининг тоқ кунлари давлат рақами тоқ рақам билан, жуфт кунлари эса жуфт рақам билан бошланадиган транспорт воситаларига ҳаракатланишга рухсат берилишини ўқигандим. Маълум кунларни эса автомобилсиз кун деб номлаган мамлакатлар қанча...

– Йўқ, ҳозирча бизда бу даражадаги қатъий қарорлар қабул қилинишига анча эрта. Шундай бўлса-да, вилоят ҳокимлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан йўллардаги тирбандликларга чек қўйиш мақсадида самарали фаолият олиб бо- рилапти. Жумладан, ҳодимларимиз то- монидан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат иштиракиларига қулай шарт-шароит яратиш ҳамда улар- нинг йўлларда ҳаракатланиш маданияти- ни ошириш мақсадида янги йўл белгилла- ри, вилоят ҳудудидан ўтган автомобиль йўллари ва шаҳар кўчаларида светофорлар ўрнатилаяпти, янги пиедалар ўтиш жойла- ри ташкил этилмоқда.

Жойларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тушунтириш- тарибот ишларини янада кўчайтириш, ота-оналарнинг фарзандларига эътиборли бўлиш шартлиги, уларнинг автотранспорт воситалари ҳаракатланадиган жойларда ўйнашларига йўл қўймаслиги лозимлиги- га бағишланган тадбирлар доимий назо- ратимизда. Янги ўқув йилининг ўзида вило- лат ҳудудидagi кўплаб мактабларда «Йўл ҳаракати қоидалари синф хонаси» ва «Йўл ҳаракати хавфсизлиги майдончалари» ташкил этилди, ҳудудларда ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди, йўл ёқасида жойлашган мактабларга ИПХ ҳодимлари бириктирилди, янги ахборот коммуника- цион тизимларни жорий этилиши ҳам до- имий эътиборимизда.

Шунингдек, йўлларда ҳаракат хавфсиз- лигини таъминлаш, тирбандликларнинг олдини олиш, ҳайдовчиларга қулайлик яратиш мақсадида бошқармамиз томони- дан вилоят ҳокимлигига бир қатор таклиф- лар ҳам киритилди. Унга кўра, Наманган шаҳрининг Қўқон ва Ғалча кўчалари ке- симида ўрнида айланма ҳаракат жорий этиш, шу каби айланма йўллари Уйчи, Машраб, Навоий номли кўчалар ҳамда Марғилон ва Навоий номли кўчалар ке- симида чоррахаалар ўрнида ҳам таш- ки этилиши таклиф этдик. Шунингдек, Тўрақўрғон ҳудудидан ўтган 4R-120 авто- мобиль йўли кесимида чорраха ўрнида ҳам айланма ҳаракат йўли бунёд этиш мақсад қилинган. Поп тумани марказида эса ав- томашиналар учун бир томонлама ҳаракат жорий этиш борасида амалий ишлар олиб бориламоқда.

Бу каби таклифлар амалиётга тадбиқ этилса, йўллардаги тирбандлик ва қоидабузарлик ҳолатлари бартараф эти- лишига эришилади.

ТАХРИРИЯТДАН: газетамиз нашрга тайёрланаётганида Наманган шаҳрининг Сардоба маҳалласи ҳудудига транспорт воситалари ҳамда йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида автошоҳбекат қуриш таклифи вилоят ҳокими томонидан маъқулангани ва бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилгани ҳақида хабар олдик. Демак, йўллардаги тирбандликларнинг олдини олиш борасидаги режаларни амалиётга тадбиқ этиш ишлари жадаллик билан давом эттирилламоқда.

Сизга шеърим тутаман



Ортиқжон ЖАББОРОВА – Мунтазир, Поп тумани.

Муҳаббат

Шоғуллаган сувлар оқиб ўтдилар,
Адиқларда битди баҳорнинг нози.
Соғинч, ўхид бизни алдаб кетдилар,
Қутар умримизнинг қузи, аёси.
Бир бор кўрай дедим, кўрмадим сизни,
Қолди юракда муҳаббат армони.
Кўзларимга қуйганман кўзингизни
Қоғозларга кўчар дилнинг дostonи.
У кўзлардек маъсум нигоҳ кўрмадим,
Унда дилнинг тугўнлари ўт, яшин.
Сизни кўриб мен дунёни англадим,
Ўзгани ҳеч азия кўрмаганим чин.
Шоғуллаган сувлар оқиб ўтдилар,
Сайхонликлар айланмиди ирмоққа.
Меҳримизни соғинч, армон ютдилар,
Энди имкон йўқ сизни бир кўрмоққа.
Тушқунликка бошлаб кетар хаёлар,
Йўқ, ўзимни маърурона тутаман.
Хотиралар дилга тўқар илҳоллар,
Сиз қайасиз, Сизга шеърим тутаман.

Юлғуним

Юлғуним, кел энди, биродар,
Соғинда бир сўхбат қурайлик.
Бўларинг буйимга барбор,
Пуштиранг суллариңг чироқлик.
Сен танҳо, мен танҳо эдик-да,
Бу олам – бизларга бахт қасри.
Осуда у тонглар эсимда,
Бу ҳаёт чамани – сен асли.
Орзуга лилмо-лим юраклар,
Гўлхиллаб урарди бетимни.
Гўллазан ишларинг қўчоқлаб,
Қўнганан қизалоқ менмидим?!
Дўдогоң бўйларни кўйдирди,
Дилмизда муҳаббат ўчқини.
Бир умр истадим мен сени,
Тополмай болалик ишқини.
Сен – чўду даштарларинг мамаи,
Гўллазан қўшининг қафтида.
Богларда чаманлар минг турли,
Лекин сен юрагим тафтида.
Суратинг солинган қосада,
Мен соғинч зардобин симирдим.
Ногоҳим ахтариб йўлларда,
Емирдим, ичимни елқирдим.
Юлғуним, кел энди, биродар...

Мен сизни

Богларда чаманлар буй соди,
Шоҳларда гўлчалар юз очди.
Қуёш ҳам бошқача нур соди,
Мен сизни йўқлай шу кунларда.
Кечалар кундўза тенг бўлди,
Жўмлаи жаҳонга жон кирди.
Дилда завқ, танда қон югурди,
Мен сизни йўқлай шу кунларда.
Бизлар ҳам дунёда бормидик,
Бир ширин сўхбатда зор эдик.
Сабр, қиш ўчоғи тор, дедик,
Мен сизни йўқлай шу кунларда.
Саболар сайр этди богларда,
Долалар очилди тоғларда.
Табииат сийлаган чоғларда,
Мен сизни йўқлай шу кунларда.
Гўналар тўқилсин елкамдан,
Еру дўст, жон сингилм, жон ўқам.
Меҳримни бағишлаб чин дилдан
Мен сизни йўқлай шу кунларда.
Умримиз дўздир, ўқримиз,
Гоҳ зарб, гоҳ шодон кўнғамиз.
Бир бор изламайсиз нечук Сиз?
Мен сизни йўқлай шу кунларда.

Муаллиф ҳақида:
Ортиқжон ЖАББОРОВА – 1952 йилда Поп туманидаги Уйғур қишлоғида туғилган. 1975 йилда Қўқон Давлат педагогика инсти- тутининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини татомлаган. Кўп ишлар умумтаълим мактаблари- да, шунингдек, туман газетаси ва радиосида фаолият юритган.
Шеърлари вақрли нашрларда, «Поп оҳанглари», «Гўллазан дўёр кўй- чилари» китобларига киритилган. 2016 йилда «Маржонинг ўзласини» номли китоби чоп этилган.

ХАФТАЛИК ОБ-ҲАВО

ШАНБА, 13	ЯҚШАНБА, 14	ДУШАНБА, 15	СЕШАНБА, 16	ЧОРШАНБА, 17	ПАЙШАНБА, 18	ЖУМА, 19
+10 +6	+12 +4	+6 +2	+5 +4	+9 -1	+8 -2	+8 -2

ВАЛЮТА

2024 йил 12 январь ҳолатига	1 АҚШ доллари	12416.00	1 Япония иенаси	85.29
	1 ЕВРО	13612.90	1 Швейцария франки	14591.61
	1 Россия рубли	139.77	1 Қирғиз соми	138.97
	1 Англия фунт стерлинги	15817.98	1 Қозғистон тенгеси	27.42

Тафаккур

Олимақом ватанпарварлик – Ватан фаровонлиги йўлида бениҳоя жонбозлиқдир.

Наманган ҳақиқати

Муассис:
Наманган вилояти ҳокимлиги
Бош муҳаррир:
Акрамжон САТТОРОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона: (69) 227-89-43.
Котибият: (69) 227-91-25.
Маданият бўлими: (69) 227-95-21.
Давлат қурилиши ва қонунчилик бўлими: (69) 227-91-50.
Ахлоқ бўлими: (69) 227-91-50.
Умумийтасоҳиёт бўлими: (69) 227-96-60.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: (69) 227-93-39.
Эълонлар бўлими: (69) 227-91-19.
Ҳисобхона: (69) 227-98-31.

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 22 декабрда 08-0001 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Тахририят манзили: 160108. Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.
Индекс: 5000.

Навбатчи муҳаррир: Рислиқхон Мажнунова.
Навбатчи: Гулчехра Бувамирзаева.
Мусаҳҳих: Насимжон Юнусов.
Саҳифаловчи-дизайнер: Абдуқаҳҳор Юлибоев.

Тахририятга 14 шрифт, 1,5 интервалда 5 қоғоздан ортиқ (шунингдек қўлёмалар ҳам) мақолалар қабул қилинмайди. Топширилган материаллар эгасига қайтарилмайди.

«Poligraf press» МЧЖда офсет усулида 10 572 нускада чоп этилди.

Қоғоз бичими – А-2.
Ҳажми – 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 (б)-уй.
Буюртма: 20.
Босишга топшириш вақти: 17.00
Топширилди: 19.30

Сотувдаги баҳоси: 5000 сўм

🌐 www.namhaqiqat.uz
📧 @NamanganHaqiqati_Rasmiy
✉ nam-haqiqat@gmail.uz

ISSN: 2091-5853

® – белгиси билан тижорий мақолалар берилади.